

MAIN  
*Multilingual Assessment Instrument  
for Narratives*

N. Gagarina, D. Klop, S. Kunnari,  
K. Tantele, T. Välimaa,  
U. Bohnacker & J. Walters

**Uzbek version**

Translated and adapted by  
Chaman Abdumazhitova & Amirkul Amanov  
(based on the revised version in English)

© ZAS Papers in Linguistics 64 (2020)

**Бу нусхани цитаталаш намунаси (how to cite this version):**

Gagarina, N., Klop, D., Kunnari, S., Tantele, K., Välimaa, T., Bohnacker, U. & Walters, J. (2019). MAIN: Multilingual Assessment Instrument for Narratives – Revised. Materials for use. *ZAS Papers in Linguistics*, 63. Uzbek Version. Translated and adapted by Abdumazhitova, Ch. & Amanov, A.

## MAIN: Uzbekh version

### Ўзбек тилига мослаштирилган нусхаси - Кўптилли болаларнинг Нарратив кўникмаларини аниқлашга бағишланган Тест

Абдумажитова Чаман, Аманов Амиркул (Chaman Abdumazhitova & Amirkul Amanov)

*Кўптилли болаларнинг Нарратив (тасвирлаш, ҳикоялаш) кўникмаларини аниқлашга бағишланган Тест (КНТ)* туғилган кунидан бошлаб, то мактабгача бўлган давригача бир ёки бир неча тилларни биладиган болаларнинг гапириш ва фикрлаш кўникмаларининг шаклланиш даражасини баҳолаш мақсадида 2012 йили тузилган. КНТ асосан 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларни кузатиш учун мўлжалланган, аммо сўнги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ушбу тестдан катта ёшдаги болалар, ўспиринлар ва катталарни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Унинг тузилиши боланинг бирнеча тилда матнни тушуниш ва уни қураштиришини турли хил режимларда: намунали хикоялаш, қайта хикоялаш ва хикоя қилиш жараёнини кузатишга ёрдам беради. КНТ-нинг 2012 йилдаги версияси 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган 500 дан ортиқ бир тилли ва икки тилли болалар иштирок этган 15 хил тил ва тил иборалари учун комплекс тест натижаси асосида ишлаб чиқарилган.

2019 йилдаги инглиз нусхаси 2500 дан ортиқ транскрипцияланган КНТ матнлари, шунингдек Германия, Россия ва Швецарияда 700 дан ортиқ бир тилли ва икки тилли болалардан 2013-2019 йилларда тўпланган КНТ матнларидаги саволларга берилган 24 000 жавоб асосида қайта кўриб чиқилди. Сизнинг тилингиздаги ушбу версия 2019 йилги энг сўнги инглиз тилидаги версиясига асосланган.

КНТ тўртта параллел хикоядан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири кўп ўлчовли моделга асосланган ва олтита пухта ўйланган тасвирлар кетма кетлигига эга. Сухбатларнинг когнитив ва лингвистик мураккаблиги, макротузилиш ва микротузилишдаги параллеллилик, шунингдик маданий мувофиқлик ва барқарорлик кузатилади.

КНТ хали стандартлаштирилмаган бўлса-да, унинг стандартланган процедураларин баҳолаш, аралаштириш ва тадқиқот мақсадларида ишлатилиши мумкин. КНТдан фойдаланиш тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун «КНТ ҳақида умумий маълумот. ZAS Papers in Linguistics 63 (2019, pp. IV- xii) бўлимига қаранг. Қайта қараш, фойдаланиш қоидаларин ва бошқа тилларга қандай мослаш мумкин (инглиз тилида ёзилган)». Қўшимча маълумот учун: <https://zaspil.leibniz-zas.de/issue/view/53>.

Бу ҳужжатда:

- синов муолажасининг тавсифи;
- Синов қарорлари билан жавоб варақалари: «Мушук», «Ит», «Палапомлар», «Улоқчалар»;
- Ота-оналар учун саволномалар;
- ҳикояларнинг матнлари бор.

## Синов муолажасининг тавсифи

Кўптилли болаларнинг Нарратив кўникмаларини аниқлашга мўлжалланган тест (КНТ) асосан 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларни кузатиш учун мўлжалланган, аммо ушбу тестдан катта ёшдаги болалар, ўспиринлар ва катталарни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Тест экспрессив сўзлашнинг шаклланиш даражасини аниқлаш билан бирга, ҳикоянинг мазмунини тушуниш даражасини баҳолаш учун ҳам имконият беради. Тест монолог ҳикояни тўплашга мўлжалланган 3 та топшириқдан иборат. Шулардан бири синов иштирокчисига тавсия қилинади: расмлар асосида ҳикоя тузиш, эркин ҳикоялаш, намуна асосида ҳикоя қилиш. Синовчи ўз хоҳишига кўра ҳар қандай топшириқни текширишнинг мақсад ва вазифаларига хос фойдалана олади.

КНТ боланинг бир неча тилдаги нарратив кўникмаларини баҳолашга имкон беради. Тест олишни бола сўзлайдиган тилнинг истаган бирида бошлашга бўлади. Икки тилда сўзлайдиган болалар учун биринчи ва иккинчи тилни 4-7 кун оралиғида синовдан ўтказишни тавсия қиламиз (оғзаки интерференциянинг таъсирини, шунингдек, шу топшириқни бажариш борасида ўрин оладиган «ўқиш» ва «таржима қилиш» таъсирларини камайтириш учун). Тил кодини алмаштириш жараёнини (code-switching) камайтириш ҳамда бир тилли муҳитни юзага келтириш мақсадида тестни (имкон қадар) икки хил синовчи олгани маъқул.


### Материаллар:

- Тўртта расмнинг кетма-кетлиги: «Палапомлар», «Улоқчалар», «Мушук» ва «Ит» (ҳар бир сюжетнинг учта нусхаси (рангли қоғозга), ҳар бир нусхаси алоҳида конвертда: жами 12 та алоҳида конверт);
- 4-та ҳикоя/мотивация матни: «Палапомлар», «Улоқчалар», «Мушук» ва «Ит»;
- Ёзиб олиш ускуналари (аудио ёки видео);
- Макротузилишни таҳлил қилиш қарорлари ва ҳикояни тушунишини аниқлаш учун саволлар;
- Ота-оналар учун саволлар.

### Синов қарори

#### Материалларни қандай тайёрлаш мумкин?

1. [www.zas.gwz-berlin.de/zaspil56.html](http://www.zas.gwz-berlin.de/zaspil56.html) сайтидаги расмлар жамламасини кўчириб олинг;
2. PDF шаклидаги ҳужжатни (ҳар қайси расмлар жамламасини) 3 тадан А4 форматли қоғозга чоп эттиринг;
3. расмларнинг орқа тарафига тартиб рақамларини кўйиб чиқинг (1-6);
4. расмларни иккига ажратинг: уларнинг ҳар бирида 3 тадан расм (1-3, 4-6) бўладиган икки тасмани олиш учун;
5. икки тасмани куйидаги расмларда кўрсатилгандай бир-бирига бириктиринг ва тасмани икки марта букланг (расм 1 + 2, букланган чизиқ, 2 + 3 расм, букланган чизиқ, расм 5 + 6);  
Букланган чизиғи кўриниб қоладиган, шунингдек, кичкина, кўримсиз расмлардан фойдаланмаслигини илтимос қиламиз.



6. Ҳар бир кесишмани, 6 расмни ранги ёки бошқа белгисига (масалан, нуқталари) қараб алоҳида конвертларга солинг. 3 та бир хил ҳикояларнинг қайси конвертда эканлигига эътибор беринг (масалан, турли рангли ёки алоҳида тамғали конвертлардан фойдаланинг).

### Тест олиш жараёни

- Синов қарорлари билан мукамал танишганлигингизни текширинг;
- Синов жараёнини ёзиб олиш учун овоз ёзиш ускунасини (диктофонни) шай қилиб қўйинг. Тайёргарлик қисмидан бошлаб ёзиб олишни бошланг;
- Ташкилий қисмида саволлар қўйиш орқали сиз синов ўтказилаётган ижтимоий ва маданий доираларнинг тавсифлари тўғрисидаги билим ва тажрибаларингизни қўллашингиз мумкин. Ташкилий қисмининг мақсади бола билан мулоқот ўрнатиш ҳамда боланинг оддий саволларни тушуна олишига кўз етказиш.
- Синов бошланишидан аввал уч конвертда бир хил ҳикоя матнининг борлигига ишонч ҳосил қилинг. (Ҳикоя матнларини бундай кўрсатишдан мақсад – болага синовчи конвертда қандай ҳикоянинг борлигини билмаслигини исботлаш, демак, кузатув ишларини юритиш пайтида «бирлашган кузатув» таассуротининг бузилмаслигини назорат қилиш).
- Тест синов қарорларига хос юритилиши лозим. Фақат тавсия қилинган маслаҳатлардан фойдаланишингизни ўтинамиз («маслаҳатлар» тармоғини қаранг).
- Синов тўғрисида қўшимча ахборот: Тест мобайнида болага қарама-қарши ўтиришингиз лозим. Бола олти расмдан иборат конвертни қўлига олгандан кейин, уни очиб, барча расмларни диққат билан кўздан кечиришини илтимос қилинг. Шундай кўрсатма беринг: *«Барча расмларни қараб чиқинг, лекин уларни менга кўрсатманг. Бу расмларни фақат сизнинг кўришингиз учун рухсат этилади»*. Агар бола расмлар солинган конвертни ўзи очолмаса, ёки ушлаб тура олмаса, унга ёрдам беринг. Расмларни бола аниқ кўра олиши учун қулай жойлаштиринг.
- Бола барча расмларни кўздан кечириб, ҳикоя қилишга тайёр бўлганида, расмларни қайта буклаб қўйишга ёрдам беринг. Болага ҳикояни дастлабки икки расмдан бошлаши мумкинлигини айтинг. Бола биринчи ва иккинчи расмлар билан боғлиқ ҳикоясини яқунлагач, кейинги расмларни очишга кўмаклашинг (1-4 расмлар болага кўринадигандай бўлсин). Бола 3-4 расмлар асосида ҳикоясини тамомлагач, унга бешинчи ва олтинчи расмларни очишга ёрдам беринг, энди воқеа тўлиқ кўринишга эга бўлиши шарт, яъни 1-6 расмлар асосида.
- Бола ҳикоясини яқунлагач, унга: *«Энди сизга шу ҳикоя ҳақида бир неча савол бераман»*, – деб айтинг.
- Синов ниҳоясига етгач, ҳикояларни транскрипцияланг, ахборотни тегишли жавоб варақаларига – қарорларга ёзиб олинг ва таҳлил қилинг.
- Синов давомида олинган жавоб нусхалари қарорда тавсия қилинганларидан фарқли бўлиши мумкин эканлигини ёдда сақланг. Бола ҳикоя тузилишининг қандайдир таркибий қисмини (мақсад, иш-ҳаракат, натижа, ички тузилишининг таърифи) қарордагидан ўзгача таърифласа, балл тўплайди. Қўшимчада тахминланган жавобларнинг кенг тизими берилган.

### Маслаҳатлар

1. *«Илтимос, менга ҳикоя айтиб беринг»*, – деб, боланинг ўз ҳикоясини бошлашига туртки бўлинг. Болага ўз ҳикоясини бошлашига ёрдам берманг, ҳикояни бошлаб берманг.
2. Маслаҳатлардан бола ҳикоя айтишдан тўхтаса, умуман ҳеч нарса айтмаса ёки 10 секундли узилишга йўл қўйсагина фойдаланинг. Аввал *«Жуда яхши»*, *«Бошланг»* деб айта олишингиз мумкин. Синов жараёнидаги фарқларни бўлдирмаслик учун кўрсатмалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг. Агар бола, тахминан, 10 секунд давомида индамай қолса, *«Сизнингча, у расмларда қандай воқеа тасвирланган?»* – деб сўранг. Борди-ю, бола ҳикоя ўртасида

тўхтаб қолса, унга бошқа таянч саволлар бериш орқали ҳикояни давом эттиришга йўналтиринг: «Ундан кейинчи?», «Давом эттиринг», «Қани, яна бошқа нарсаларни айта қолинг», «Ҳикоя давомида қандай воқеа содир бўлиши мумкин?».

3. Бола ҳикоя қаҳрамонларини қандай аташи муҳим эмас, шунинг учун бола ҳикоя қилаётган пайтда унга тузатишлар киритишга уринманг. Агар бола ҳаракатлар маъносини, ҳикоя бош қаҳрамонларининг номи кабиларни етказиб бериш, англантиш учун жумла топа олмаса, сиз у болани кўмакка муҳтож деб ўйласангиз, унга: «Сиз бу қаҳрамонни ўзингиз хоҳлагандай аташингиз мумкин. Сиз бу қаҳрамонни қандай номлаган бўлардингиз?» – деб кўмаклашишингиз мумкин.
4. Қуйидаги каби саволлар билан боланинг ҳикоясини бузманг:  
А) «Бу ерда у нима қиляпти?», «Ким югурмоқда?»;  
В) «Бу ким/нима?!», «Тасвирда кимни / нимани кўриб турибсиз?».  
(боланинг хикоясини бузмаш/таъсир этмаш, тўлиқ бўлмаган жумлалардан фойдаланишнинг олдини олиш ва дейктикалик элементларидан узоқроқ бўлиш учун).
5. Бола ўз тажрибасига суяниб, масалан, «Мен бундай қушни эрталаб кўрдим» ёки «Дарсдан сўнг мен онам билан бирга супермаркетга бораман», – деб ўз ҳикоясини бошласа, унга ўз тажрибаси тўғрисида батафсил айтиб беришига йўл қўйинг, тугатгач, расмларга қараб ҳикоясини бошлашини илтимос қилинг. (Ўз тажрибаси таърифи таҳлилга қўшилмайди).
6. Расмларнинг ҳар бир жуфтлигидан сўнг ва янги жуфти очилгунча, сиз болани мақтаб, «Яхши!», «Жуда зўр!» каби сўзлар билан кайфиятини чоғлашингиз мумкин. Модомики, сиз боланинг ҳикоя қилишига ҳалал бераётганингизни сезсангиз, уни рағбатлантиришнинг ҳожати йўқ.

#### **Ҳикоя натижаларини қандай таққослаш мумкун/ мумкун эмас:**

- Икки тилли болани икки тилда синовлар ўтказишда «Мушук» ва/ёки «Ит» битта тилда, «Палапомлар» ва/ ёки «Улоқчалар» ҳикоясини бошқа тилда ишлатманг.
- Шунингдек, битта синов пайтида «Мушук» ва/ёки «Ит» ҳикояларини ишлатишдан сақланинг ва уларни бошқа тест пайтида «Палапомлар» ва/ ёки «Улоқчалар» ҳикоялари билан таққосламанг.
- Нима учун? КНТ (MAIN) ҳикояларини ҳар жихатдан тўғридан тўғри таққослаш мумкун эмас. Сўнги натижалар шуни кўрсатадики, ушбу 4 воқеа ўртасида, хусусан, тушунуш нуқтаи назаридан баъзи фарқлар бор. «Палапомлар» ва «Улоқчалар» тахминан параллель; «Мушук» ва «Ит» ҳам параллель, аммо улар «Палапомлар» ва «Улоқчалар» ҳикояларидан сюжет чизиғи, белгилар сони ва баъзи параметрлар билан ажралиб туради. Шундай қилиб, натижалари таққослаш пайтида жудаям диққатли булинг.
- Болалар гуруҳини тест билан синаб куришда ҳикоянинг элицитивлик таъсирини йўқ қилиш ва/ ёки камайтириш учун қуйидаги тасодифий тартибдан фойдаланаётганингизни текширинг.

#### **Текширув мақсадидаги эксперимент учун ҳикоялар тартиби**

Расмларни тавсия қилиш тартиби («Мушук»/ «Ит» – қайта ҳикоя қилиш ва Палапомлар / «Улоқчалар» – ҳикоя) бўлиши лозим. Қуйидаги ҳикоя тартибини фойдаланинг. Мабодо, биргина тил текширилса, у ҳолда №1, 2, 5, 6 ёки № 3, 4, 7 ҳамда 8 тартиб рақамида берилган тартибдаги ҳикоялардан фойдаланинг.

Боланинг №	Тил	Қайта ҳикоялаш	Ҳикоя қилиш	тил	Қайта ҳикоялаш	Ҳикоя қилиш
1	L1	Мушук	Улоқчалар	L2	Ит	Улоқчалар
2	L1	Мушук	Улоқчалар	L2	Ит	Палапомлар
3	L2	Мушук	Улоқчалар	L1	Ит	Палапомлар
4	L2	Мушук	Палапомлар	L1	Ит	Улоқчалар
5	L1	Ит	Палапомлар	L2	Мушук	Улоқчалар
6	L1	Ит	Палапомлар	L2	Мушук	Палапомлар
7	L2	Ит	Улоқчалар	L1	Мушук	Палапомлар
8	L2	Ит	Палапомлар	L1	Мушук	Улоқчалар

L1 – уйда мулоқотда бўладиган биринчи тил, L2 – иккинчи тил, мактабда бола боғчасида сўзлашадиган тил.

## «Мушук» ҳикояси учун қарор намунаси

### Ҳикоя қилиш / Қайта ҳикоя қилиш / ҳикоя намунаси

Боланинг исми: \_\_\_\_\_

Туғилган куни: \_\_\_\_\_

Тест ўтказиш куни: \_\_\_\_\_

Синов кундаги ёши: \_\_\_\_\_

Жинси: \_\_\_\_\_

Тажриба ўтказувчининг исми: \_\_\_\_\_

Иккинчи тилда мулоқот муддати (ой ҳисобида): \_\_\_\_\_

Мактабгача билим масканига  
келган куни: \_\_\_\_\_

Мактабгача билим  
масканининг номи: \_\_\_\_\_

Барча материалларни олдиндан тайёрлаб қўйинг. Диктофон ва расмлар солинган конвертларнинг тест олишдан олдин стол устига қўйилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Тажрибанинг ташкилий қисмидан бошлаб диктофонга ёзиб бординг.

#### **Тетиклаштириш дақиқаси – ташкилий қисм**

Бола билан мулоқот ўрнатиш мақсадида у билан турли мавзуларда суҳбатлашинг. М: Сизнинг энг яқин дўстингиз ким? Сиз ойнаижаҳондан нималарни томоша қилишни ёқтирасиз? Сиз ҳикоя айтишни ёқтирасизми? Турли мавзудаги ҳикояларни тинглашни ёқтирасизми?

#### **Кўрсатмалар**

##### **Ҳикоя қилиш жараёни учун кўрсатмалар**

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: *«Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман»*, – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: *«Расмларни диққат билан кўриб чиқдингизми? Тайёрмисиз?»*, – дейишингиз мумкин. Расмларни болага қаратиб қўйинг, унда дастлабки икки расм болага аниқ кўриниб турсин. Унга: *«Энди сизнинг менга бир ҳикоя айтиб беришингизни хоҳлайман. Шу расмга қараб, менга хаёлингизга келган энг яхши воқеа (ҳикоя) ни айтиб берсангиз»*, – деб айтинг. Агар бола ҳикоя айтгиси келмаса, унга: *«Менга расмдаги воқеа тўғрисида айтиб бера қолинг (расмни кўрсатиб)»*, – деб кўмаклашинг.

Бола аввалги икки расмдаги воқеани тасвирлаб бўлгандан кейин, қолган икки расмни (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. У 1 дан 4 гача бўлган расмларга боғлиқ ҳикоясини яқунлагач, кейинги икки расмни (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. Эсингизда бўлсин, расмлар синовчига эмас, болагагина кўриниб туриши лозим. У ҳикоянинг **ярмида тўхтаб қолса**: *«Яна борми?»*, *«Давом эттирсангиз»*, *«Менга яна кўпроқ айтиб бера қолинг»*, *«Қани, расмларда яна нималар тасвирланган экан, кўрайликчи»*, – деган сўзлар билан ёрдамлашинг. Агар у ҳикоясини бутунлай тўхтадиб қўйса, унга: *«Ҳикояни сўзлаб*

бўлдингизми?», – деб сўранг. Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

### Қайта ҳикоя қилиш бўйича кўрсатмалар

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: «Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман», – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: «Расмларни диққат билан кўриб чиқдингизми? Тайёرمىсиз? Мен сизга ҳозир бир воқеани айтиб бераман, сиз уни диққат қилиб тинглаб, менга қайта ҳикоя қилиб беришингиз керак».

1 ва 2 расмларни очиб, болага: «Ҳикоя шу ердан бошланади» деб айтинг (1 расмни кўрсатинг). Кунлардан бирида, эрталаб шўх бир мушук бутоққа қўниб турган капалакни кўрди. Мушук капалакка етиб олиш учун юқорига сакради. Бу воқеани балиқ овидан қайтаётган қувноқ бир бола кўриб қолди. Унинг қўлида балиқ солинган челақ, копток ва қармоғи бор эди.

3 ва 4-расмларни очинг (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). Бола: «Эй мушук, сен нимани овлаб юрибсан?» – деб қичқирди. Шу чоқ капалак учиб кетди, мушук эса, бутоққа қулаб тушди. Бола ҳайрон қолгани шунчалик, ҳатто қўлидаги коптогини тушириб олди. Копток сувга думалаб тушди. Бола коптокни сувдан чиқариб олишга қарор қилди. Бу орада мушук боланинг челагидаги балиқларни кўриб: «Мен балиқларни ушлашни хоҳлайман», - деб ўйлади.

5 ва 6 расмларни очинг (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). Бола коптокни қармоқ билан сувдан чиқариб олаётганида, мушук челақнинг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, унинг ичидан балиқларни чиқара бошлади. Бола коптогини сувдан чиқариб олганидан хурсанд бўлиб, мушукнинг челақдаги балиқларни еб ўтирганини билмай қолди.

Бу ҳикоянинг яқуни.

Расмларни болага қаратиб қўйинг, унда дастлабки икки расм болага аниқ кўриниб турсин. Унга: «Энди сизнинг менга бир ҳикоя айтиб беришингизни хоҳлайман. Шу расмга қараб, менга хаёлингизга келган энг яхши воқеа (ҳикоя) ни айтиб берсангиз», – деб айтинг. Агар бола ҳикоя айтгиси келмаса, унга: «Менга расмдаги воқеа тўғрисида айтиб бера қолинг (расмни кўрсатиб)», – деб кўмаклашинг. Бола аввалги икки расмдаги воқеани тасвирлаб бўлгандан кейин, қолган икки расмни (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. У 1 дан 4 гача бўлган расмларга боғлиқ ҳикоясини яқунлагач, кейинги икки расмни (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. Эсингизда бўлсин, расмлар синовчига эмас, болагагина кўриниб туриши лозим. У ҳикоянинг **ярмида тўхтаб қолса**: «Яна борми?», «Давом эттирсангиз», «Менга яна кўпроқ айтиб бера қолинг», «Қани, расмларда яна нималар тасвирланган экан, кўрайликчи», – деган сўзлар билан ёрдамлашинг. Агар у ҳикоясини бутунлай тўхтатиб қўйса, унга: «Ҳикояни сўзлаб бўлдингизми?», – деб сўранг. Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

### Намунали ҳикоя учун кўрсатмалар

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: «Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман», – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин.

Кейин болага: «Расмларни диққат билан кўриб чиқдингизми? Тайёرمىсиз? Мен сизга бир воқеа айтиб бераман, айтиб битиргач, сизга бир неча савол бераман».

1 ва 2 расмларни очиб, болага: «Ҳикоя шу ердан бошланади» деб айтинг (1 расмни кўрсатинг). Кунлардан бирида, эрталаб шўх бир мушук бутоққа кўниб турган капалакни кўрди. Мушук капалакка етиб олиш учун юқорига сакради. Бу воқеани балиқ овидан қайтаётган қувноқ бир бола кўриб қолди. Унинг қўлида балиқ солинган челақ, копток ва қармоғи бор эди.

3 ва 4-расмларни очинг (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). Бола: «Эй мушук, сен нимани овлаб юрибсан?» – деб қичқирди. Шу чоқ капалак учиб кетди, мушук эса, бутоққа қулаб тушди. Бола ҳайрон қолгани шунчалик, ҳатто қўлидаги коптогини тушириб олди. Копток сувга думалаб тушди. Бола коптокни сувдан чиқариб олишга қарор қилди. Бу орада мушук боланинг челагидаги балиқларни кўриб: «Мен балиқларни ушлашни хохлайман», - деб ўйлади.

5 ва 6 расмларни очинг (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). Бола коптокни қармоқ билан сувдан чиқариб олаётганида, мушук челақнинг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, унинг ичидан балиқларни чиқара бошлади. Бола коптогини сувдан чиқариб олганидан хурсанд бўлиб, мушукнинг челақдаги балиқларни еб ўтирганини билмай қолди.

Бу ҳикоянинг якуни.

Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

## «Мушук» ҳикояси учун қарор

### I Бўлим: топшириқ

А: Ҳикоянинг тузилиши; В: Тузилишининг мураккаблиги;

С: Руҳияти, кайфиятининг таърифи (РКТ)

#### А. Ҳикоянинг тузилиши (рақамли баҳолаш)

		Мумкин бўлган жавоблар <sup>1</sup>	Баллар
<b>A1.</b>	Кириш	Вақти / ўрнини аниқлаш, масалан, бироз вақт бурун / бир пайтлари / бир пайтлари ўрмонда / кўлда / дарахтда / дарё соҳилида	0 1 2 <sup>2</sup>
<i>1-эпизод: Мушук (эпизод тимсоллари: мушук билан капалак)</i>			
<b>A2.</b>	РКТ Иш-ҳаракатнинг бошланиши	<b>Мушук</b> шўх эди / унга қизиқ бўлди <b>Мушук</b> капалакни кўриб қолди	0 1
<b>A3.</b>	Мақсад	<b>Мушук</b> капалакни тутиб олгиси келди/овламоқчи бўлди/ қувламоқчи бўлди/капалак билан ўйнагиси келди	0 1
<b>A4.</b>	Ҳаракат	<b>Мушук</b> олдинга/капалакка қараб сакради <b>Мушук</b> +феъл (тутиб олиш, қувлаш, олиш)+га ҳаракат қилди	0 1
<b>A5.</b>	Натижа	<b>Мушук</b> булоққа йиқилиб тушди / капалакни ушлай олмади / улгурмади <b>Капалак</b> қочиб қутулди / учиб кетди / учиб кета олди	0 1
<b>A6.</b>	РКТ таъсири сифатида	<b>Мушук</b> хафа бўлди / жаҳли чиқди / унга оғир тегди <b>Капалак</b> бахтли эди/ кўнгли тўлди / мамнун бўлди	0 1
<i>2-эпизод: Бола (эпизод қаҳрамони: бола)</i>			
<b>A7.</b>	РКТ иш-ҳаракатнинг бошланиши	Боланинг кайфияти йўқ эди/ унинг кўнгли тўлмади / коптоги учун қайғурди / коптогининг сувга тушганини кўрди / хафа бўлди	0 1
<b>A8.</b>	Мақсад	<b>Бола</b> коптогини олишга қарор қилди / хоҳлади	0 1
<b>A9.</b>	Ҳаракат	<b>Бола</b> коптокни сувдан олишга ҳаракат қилди, сувдан чиқарди / тортиб олди	0 1
<b>A10.</b>	Натижа	<b>Бола</b> коптокни чиқариб олди / коптокни қайтариб олди / қайтадан хавфсиз ерда бўлди	0 1
<b>A11.</b>	РКТ реакция сифатида	<b>Бола</b> мамнун / бахтли бўлди / у хурсанд бўлди	0 1
<b>A12.</b>	РКТ Иш-ҳаракатнинг бошланиши	<b>Мушук</b> балиқни сезиб қолди / кўрди / унинг қорни оч эди / унга қизиқ бўлди	0 1
<i>3-эпизод: Мушук (эпизод қаҳрамони: мушук)</i>			
<b>A13.</b>	Мақсад	<b>Мушук</b> балиқни овлади / олишни истади / балиқни егиси келди	0 1
<b>A14.</b>	Ҳаракат	<b>Мушук</b> балиқни олди / ўғирлади / балиқ томон олдинги оёғини чўзди	0 1

<sup>1</sup> Иккиланиш бўлган ҳолда ёки боланинг жавоби шу варақда ёзилмаган бўлса, кўрсатмага қаранг.

<sup>2</sup> Нотўғри жавоб берса ёки жавоб бўлмаса, ноль балл, бир тўғри жавоб учун бир балл, воқеа содир бўлган пайти ва ўрни кўрсатилса, 2 балл.

<b>A15.</b>	Натижа	<b>Мушук</b> балиқни еб қўйди / ушлаб олди	0	1
<b>A16.</b>	РКТ реакция сифатида	<b>Мушук</b> хурсанд бўлди / қаноат қилди / унинг қорни тўйди	0	1
<b>A17.</b>	<b>Умумий балл: 17</b>			

### В: Тузилишининг мураккаблиги

Секвенциялар сони <b>Ҳаракат + натижа</b>	<b>Мақсадлар</b> сони ( <i>Ҳаракат ёки натижасиз</i> )	Секвенциялар сони <b>мақсад + ҳаракат</b> ёки <b>мақсад + натижа</b>	Секвенциялар сони <b>мақсад + ҳаракат + натижа</b>
В1.	В2.	В3.	В4.

### С: Руҳий кайфиятнинг таърифи (РКТ)

С1.	<p>РКТ умумий сони (сўздан фойдаланиши). РКТ таркибига қуйидагилар киради:</p> <p><b>қабул қилишини аниқлаш</b>, масалан, <i>кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш; физиологик ҳолларни аниқлаш</i>, масалан, <i>оч бўлиш, сувсаш, чарчаш, жароҳатланиш;</i></p> <p><b>феъллар</b> умр суриш, уйғониш, ухлаш;</p> <p><b>эмоцияларни аниқлаш</b>, масалан, қайғули, бахтли, жаҳлдор, ҳаяжонли, хафа, хавотирли;</p> <p><b>руҳий (менталь) феъллар</b>, масалан, <i>хошлаш, ўйлаш, билиш, унутиш, қарор қилиш, ишониш, ҳайратланиш, режалаштириш;</i></p> <p><b>сўзлаш феъллари</b>, масалан, <i>айтиш, аташ, бақирш, эслатиш, сўраш.</i></p>
-----	---

## II Бўлим: Перцепция

		Тўғри жавобларнинг намуналари	Нотўғри жавобларнинг намуналари	Баллар
<b>0</b>	Сизга ҳикоя ёқдимиди?	<b>Тетиклаштирувчи саволлар, балл қўйилмайди</b>		
<b>D1.</b>	Мушук нима сабабдан сакради? (бола №1-2 расмларга қарайди)	Капалакни тутиб олишни хоҳлайди	ўйнагиси / югурги сикелди	0 1
<b>D2.</b>	Мушук ўзини қандай ҳис қилди? (бола 3 расмга қарайди)	ночор / ёмон / хафақон / ранжувли / бироз бошқача	яхши / у хурсанд / унга қизиқ / ёки бошқа ўринсиз жавоб	0 1
<b>D3.</b>	(Бола D2 га жавоб бергандагина D3 саволини беринг, агар бола D2 да жавоб берса, D3 устунчасига бир балл қўйинг, D4 саволига ўтинг). Сиз қандай ўйлайсиз, нима сабабдан мушукнинг жаҳли чиқди? / оч эди / нимталанди/ жароҳатланди? <sup>3</sup>	Сабаби капалакни қувди / Капалак қочиб кетди	Сабаби бутоқларга сакради / ёки бошқа ўринсиз жавоб	0 1
<b>D4.</b>	Нима учун болакай қармоқни сувга ташлади? (G2) (бола № 5 расмга қарайди)	Коптогини сувдан чиқариб олгиси келди	Сувда ўйнагиси келди / ёки бошқа ўринсиз жавоб	0 1
<b>D5.</b>	Бола ўзини қандай ҳис қилди? (бола № 6 расмга қарайди)	яхши / у хурсанд	ночор / у жаҳлдор / ёки бошқа ўринсиз жавоб	0 1
<b>D6.</b>	Бола D5 саволига изоҳсиз жавоб бергандагина D6 саволини қўйинг. Агар бола D5 ни изоҳласа, унга D6 устунчасига бир балл қўйиб, D7 саволига кўчинг). Сиз нима учун бола ўзини яхши ҳис қилди / у бахтли деб ўйлайсиз? <sup>4</sup>	чунки у коптокни ушлаб турибди	у кулимсираб турибди / ёки бошқа ўринсиз жавоб	0 1
<b>D7.</b>	Нима учун мушук балиқни олди? (G3)	балиқни егиси келди	челакни ўйнагиси келди	0 1

<sup>3</sup> D3 саволини беришда D2 жавобида боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

<sup>4</sup> D6 саволини беришда D5 жавобида боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

	(бола № 5 расмга қарайди)			
<b>D8.</b>	Бола мушукни кўриб қолди деб тасаввур қилиб кўрингчи. У ўзини қандай ҳис қилади? (бола №6-расмга қарайди)		яхши/ у хурсанд / бахтли бўлади	0 1
<b>D9.</b>	(Бола D8 саволига изоҳсиз жавоб берсагина, D9 саволини кўйинг. Агар бола D8 да изоҳ берса, унга D9 устунчасига бир балл кўйиб, D10 саволига кўчинг). Сизнингча, бола нима учун ўзини ёмон ҳис қилади / у жаҳлдор? <sup>5</sup>	Чунки мушук балиқни олиб қўйди / емоқда	Сабаби у чарчади / чунки қармоқ ерда ётарди	0 1
<b>D10.</b>	Шу бола билан мушук дўст бўла оладими? Нима учун?	Йўқ (бола, камида, бир сабабини айтиши лозим, масалан, мушук балиқни еб қўйди). Ёки саволга тўлиқ жавоб бериши керак	Ҳа/ мен билмайман / саволга тушунарсиз жавоб	0 1
<b>D11.</b>	<b>Умумий балл: 10</b>			

<sup>5</sup> D9 саволини беришда D8 жавобида боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

## «Ит» ҳикояси учун қарор намунаси

### Ҳикоя қилиш / Қайта ҳикоя қилиш / ҳикоя намунаси

Боланинг исми: \_\_\_\_\_

Туғилган куни: \_\_\_\_\_

Тест ўтказиш куни: \_\_\_\_\_

Синов кундаги ёши: \_\_\_\_\_

Жинси: \_\_\_\_\_

Тажриба ўтказувчининг исми: \_\_\_\_\_

Иккинчи тилда мулоқот муддати (ой ҳисобида): \_\_\_\_\_

Мактабгача билим масканига  
келган куни: \_\_\_\_\_

Мактабгача билим  
масканининг номи: \_\_\_\_\_

Барча материалларни олдиндан тайёрлаб қўйинг. Диктофон ва расмлар солинган конвертларнинг тест олишдан олдин стол устига қўйилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Тажрибанинг ташкилий қисмидан бошлаб диктофонга ёзиб бориш.

#### **Тетиклаштириш дақиқаси – ташкилий қисм**

Бола билан мулоқот ўрнатиш мақсадида у билан турли мавзуларда суҳбатлашинг. М: Сизнинг энг яқин дўстингиз ким? Сиз ойнаижаҳондан нималарни томоша қилишни ёқтирасиз? Сиз ҳикоя айтишни ёқтирасизми? Турли мавзудаги ҳикояларни тинглашни ёқтирасизми?

#### **Кўрсатмалар**

##### **Ҳикоя қилиш жараёни учун кўрсатмалар**

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: *«Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман»,* – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: *«Расмларни диққат билан кўриб чиқингизми? Тайёрмисиз?»*, – дейишингиз мумкин. Расмларни болага қаратиб қўйинг, унда дастлабки икки расм болага аниқ кўриниб турсин. Унга: *«Энди сизнинг менга бир ҳикоя айтиб беришингизни хоҳлайман. Шу расмга қараб, менга хаёлингизга келган энг яхши воқеа (ҳикоя) ни айтиб берсангиз»,* – деб айтинг. Агар бола ҳикоя айтгиси келмаса, унга: *«Менга расмдаги воқеа тўғрисида айтиб бера қолинг (расмни кўрсатиб)»,* – деб кўмаклашинг.

Бола аввалги икки расмдаги воқеани тасвирлаб бўлгандан кейин, қолган икки расмни (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. У 1 дан 4 гача бўлган расмларга боғлиқ ҳикоясини яқунлагач, кейинги икки расмни (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. Эсингизда бўлсин, расмлар синовчига эмас, болагагина кўриниб туриши лозим. У ҳикоянинг **ярмида тўхтаб қолса:** *«Яна борми?», «Давом эттирсангиз», «Менга яна кўпроқ айтиб бера қолинг», «Қани, расмларда яна нималар тасвирланган экан, кўрайликчи»,* – деган сўзлар билан ёрдамлашинг. Агар у ҳикоясини бутунлай тўхтаб қўйса, унга: *«Ҳикояни сўзлаб бўлдингизми?»*, – деб сўранг.

Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

### Қайта ҳикоя қилиш бўйича кўрсатмалар

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: *«Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман»*, – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: *«Расмларни диққат билан кўриб чиқдингизми? Тайёرمىсиз? Мен сизга ҳозир бир воқеани айтиб бераман, сиз уни диққат қилиб тинглаб, менга қайта ҳикоя қилиб беришингиз керак»*.

1 ва 2 расмларни очиб, болага: *«Ҳикоя шу ердан бошланади»* деб айтинг (1 расмни кўрсатинг). *Бир кун, эрталаб, шўх бир ит дарахтнинг танасида ўтирган сичқонни кўрди. Ит сичқонга етиб олиш учун чаққон сакради. Бу воқеани дўқондан қайтиб келаётган бир қувноқ бола кўриб қолди. Унинг қўлида колбаса солинган халта ҳамда пуфак бор эди.*

3 ҳамда 4 расмларни очинг (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). *Бола: «Ит, сен нимани овлаб юрибсан?» - деб қичқирди. Шунда сичқон қочиб кетиб, ит дарахтга бориб урилди. Бола ҳайратланганидан қўлидаги пуфакни учириб юборди. Пуфак учиб, дарахт шохига илиниб қолди. Бола дарахт шохидан пуфакни олишга қарор қилди. Бу орада ит боланинг халтачасидаги колбасаларни кўргач: «Мен колбасани олишни хохлайман» - деб ўйлади.*

5 ва 6 расмларни очинг (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). *Боланинг пуфакни олиш учун дарахтга тирмашиб чиқаётганини кўрган ит халтачанинг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, ичидан колбасаларни чиқара бошлади. Бола пуфакни дарахт шохидан тушириб олганлигидан хурсанд бўлгани шунчалик, итнинг халтачадаги мазали колбасаларни еб ўтирганини кўрмай қолди.*

*Бу воқеанинг якуни.*

Расмларни болага қаратиб қўйинг, унда дастлабки икки расм болага аниқ кўриниб турсин. Унга: *«Энди сизнинг менга бир ҳикоя айтиб беришингизни хохлайман. Шу расмга қараб, менга хаёлингизга келган энг яхши воқеа (ҳикоя) ни айтиб берсангиз»*, – деб айтинг. Агар бола ҳикоя айтгиси келмаса, унга: *«Менга расмдаги воқеа тўғрисида айтиб бера қолинг (расмни кўрсатиб)»*, – деб кўмаклашинг. Бола аввалги икки расмдаги воқеани тасвирлаб бўлгандан кейин, қолган икки расмни (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. У 1 дан 4 гача бўлган расмларга боғлиқ ҳикоясини яқунлагач, кейинги икки расмни (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин) очинг. Эсингизда бўлсин, расмлар синовчига эмас, болагагина кўриниб туриши лозим. У ҳикоянинг **ярмида тўхтаб қолса**: *«Яна борми?»*, *«Давом эттирсангиз»*, *«Менга яна кўпроқ айтиб бера қолинг»*, *«Қани, расмларда яна нималар тасвирланган экан, кўрайликчи»*, – деган сўзлар билан ёрдамлашинг. Агар у ҳикоясини бутунлай тўхтатиб қўйса, унга: *«Ҳикояни сўзлаб бўлдингизми?»*, – деб сўранг. Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

### Намунали ҳикоя учун кўрсатмалар

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: *«Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман»*, – деб айтинг. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни

болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: *«Расмларни диққат билан кўриб чиқдингизми? Тайёرمىсиз? Мен сизга бир воқеа айтиб бераман, айтиб битиргач, сизга бир неча савол бераман»*.

1 ва 2 расмларни очиб, болага: *«Ҳикоя шу ердан бошланади»* деб айтинг (1 расмни кўрсатинг). *Бир куни, эрталаб, шўх бир ит дарахтнинг танасида ўтирган сичқонни кўрди. Ит сичқонга етиб олиш учун чаққон сакради. Бу воқеани дўкондан қайтиб келаётган бир қувноқ бола кўриб қолди. Унинг қўлида колбаса солинган халта ҳамда пуфак бор эди.*

3 ҳамда 4 расмларни очинг (1 дан 4 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). *Бола: «Ит, сен нимани овлаб юрибсан?» - деб қичқирди. Шунда сичқон қочиб кетиб, ит дарахтга бориб урилди. Бола ҳайратланганидан қўлидаги пуфакни учириб юборди. Пуфак учиб, дарахт шохига илиниб қолди. Бола дарахт шохидан пуфакни олишга қарор қилди. Бу орада ит боланинг халтачасидаги колбасаларни кўргач: «Мен колбасани олишни хоҳлайман» - деб ўйлади.*

5 ва 6 расмларни очинг (1 дан 6 гача бўлган барча расмлар кўриниб турсин). *Боланинг пуфакни олиш учун дарахтга тирмашиб чиқаётганини кўрган ит халтачанинг қаровсиз қолганидан фойдаланиб, ичидан колбасаларни чиқара бошлади. Бола пуфакни дарахт шохидан тушириб олганлигидан хурсанд бўлгани шунчалик, итнинг халтачадаги мазали колбасаларни еб ўтирганини кўрмай қолди.*

*Бу воқеанинг якуни.*

Ҳикоясини тугатгач, болани рағбатлантиринг ва тушунчасини текшириш учун саволлар беринг.

**«Ит» ҳикоясига мўлжалланган қарор**

**I Бўлим: ҳикоя**

А: Ҳикоянинг тузилиши; В: Тузилишининг мураккаблиги;

С: Руҳий кайфиятнинг таърифи (РКТ)

**А: Ҳикоянинг тузилиши (рақамли баҳолаш)**

		<b>Мумки бўлган жавоблар<sup>6</sup></b>	<b>Баллар</b>
<b>A1.</b>	Кириш	Пайти / ўрнини аниқлаш, масалан, бироз вақт бурун / бир пайт / бир пайтлари ўрмонда / соябоғда / ўт-ўла нлар устида / йўл бўйида	0 1 2 <sup>7</sup>
<i>1-эпизод: Ит (эпизод қаҳрамонлари: ит билан сичқон)</i>			
<b>A2.</b>	РКТ Иш- ҳаракатнинг бошланиши	<b>Ит</b> шўх / ҳаваскор эди <b>Ит</b> сичқонни кўриб қолди	0 1
<b>A3.</b>	Мақсад	<b>Ит</b> сичқонни ушлаб олгиси келди / овламоқчи бўлди / қувмоқчи бўлди / сичқон билан ўйнагиси келди	0 1
<b>A4.</b>	Ҳаракат	<b>Ит</b> олдинга / юқорига сакради	0 1
<b>A5.</b>	Натижа	<b>Ит</b> дарахтга урилди / сичқонни ушлай олмади / улгурмади <b>Сичқон</b> қочиб қутулди / дарахтнинг орқасига яширинди	0 1
<b>A6.</b>	РКТ реакция сифатида	<b>Ит</b> хафа бўлди / жаҳли чиқди / унга оғир тегди <b>Сичқон</b> бахтли эди / кўнгли тўлди / мамнун бўлди	0 1
<i>2-эпизод: Бола (эпизод қаҳрамони: бола)</i>			
<b>A7.</b>	РКТ Иш- ҳаракатнинг бошланиши	<b>Боланинг</b> кайфияти йўқ эди / унинг кўнгли тўлмади / пуфаги учун ғам чекди / пуфагини дарахт шохида кўрди	0 1
<b>A8.</b>	Мақсад	<b>Бола</b> пуфагини олишни қарор қилди / хоҳлади	0 1
<b>A9.</b>	Ҳаракат	<b>Бола</b> пуфакни дарахтдан олишга ҳаракат қилди / дарахтга чиқди	0 1
<b>A10.</b>	Натижа	<b>Бола</b> пуфагини дарахтдан тушириб олди / пуфак қайтди / қайтадан хавфсиз ерда бўлди	0 1
<b>A11.</b>	РКТ реакция сифатида	<b>Бола</b> мамнун / бахтли бўлди / хурсанд бўлди, чунки дарахтдан пуфагини тушириб олганди.	0 1
<i>3-эпизод: Ит (эпизод қаҳрамони: ит)</i>			
<b>A12.</b>	РКТ Иш- ҳаракатнинг бошланиши	<b>Ит</b> билиб қолди / кўрди / оч эди / ҳаваскор эди	0 1

<sup>6</sup> Иккиланиш бўлган ҳолда ёки боланинг жавоби шу варақда ёзилмаган бўлса, кўрсатмага қаранг.

<sup>7</sup> Нотўғри жавоб берса ёки жавоб бўлмаса, ноль балл, бир тўғри жавоб учун бир балл, воқеа содир бўлган пайти ва ўрни кўрсатилса, 2 балл.

<b>A13.</b>	Мақсад	<b>Ит</b> колбасаларни олишни/ ейишни /хоҳлади / ўғирлашга қарор қилди	0	1
<b>A14.</b>	Ҳаракат	<b>Ит</b> колбасаларни олаверди / колбасаларга қўлини чўзди	0	1
<b>A15.</b>	Натижа	<b>Ит</b> колбасаларни олди / еб қўйди	0	1
<b>A16.</b>	РКТ реакция сифатида	<b>Ит</b> бахтли эди / қаноатлантирилди / унинг қорни тўйди	0	1
<b>A17.</b>	<b>Умумий балл: 17</b>			

### В: Тузилишининг мураккаблиги

Секвенциялар сони <b>Ҳаракат +натижа</b>	<b>Мақсадлар</b> сони ( <i>Ҳаракат ёки натижасиз</i> )	Секвенциялар сони <b>мақсад + ҳаракат</b> ёки <b>мақсад + натижа</b>	Секвенциялар сони <b>мақсад + ҳаракат + натижа</b>
В1.	В2.	В3.	В4.

### С: Руҳий кайфиятнинг таърифи (РКТ)

С1.	<p>РКТ умумий сони (сўздан фойдаланиши). РКТ таркибига қуйидагилар киради:</p> <p><b>қабул қилишни аниқлаш</b>, масалан, <i>кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш; физиологик ҳолларни аниқлаш</i>, масалан, <i>оч бўлиш, сувсаш, чарчаш, жароҳатланиш;</i></p> <p><b>феъллар</b> умр суриш, уйғониш, ухлаш;</p> <p><b>эмоцияларни аниқлаш</b>, масалан, қайғули, бахтли, жаҳлдор, ҳаяжонли, хафа, хавотирли;</p> <p><b>руҳий (менталь) феъллар</b>, масалан, <i>хоҳлаш, ўйлаш, билиш, унутиш, қарор қилиш, ишониш, ҳайратланиш, режалаштириш;</i></p> <p><b>сўзлаш феъллари</b>, масалан, <i>айтиш, аташ, бақирриш, эслатиш, сўраш.</i></p>
-----	--

## II Бўлим: Перцепция

		<b>Тўғри жавобларнинг нусхаси</b>	<b>Нотўғри жавобларнинг нусхаси</b>	<b>Бал лар</b>
<b>0</b>	Сизга ҳикоя ёқдимиди?	<b>Тетиклаштирувчи саволлар, балл қўйилмайди</b>		
<b>D1.</b>	Ит нима учун сакради? (бола №1-2 расмларга қарайди) (1 эпизод: Мақсад)	сичқонни кўриб қолди/ сичқонни ушлаб олишни хоҳлайди	ўйнагиси / югургиси келди	0 1
<b>D2.</b>	Ит ўзини қандай ҳис қилди? (бола 3-расмга қарайди) (ПКС реакция)	яхши / Хурсанд / бахтли	чошиб юрибди	0 1
<b>D3.</b>	(Бола D2 га жавоб бергандагина D3 саволини беринг, агар бола D2 да жавоб берса, D3 устунчасига бир балл қўйинг, D4 саволига ўтинг). Сизнингча, ит нима сабаб дан ўзини яхши ҳис қилди? <sup>8</sup>	...сабаби у сичқонни ушлаб олгиси келди	чошиб юрибди	0 1
<b>D4.</b>	Нима сабабдан болакай дарахт га тирмашди? (бола № 5 расм га қарайди) (2 эпизод: Мақсад)	пуфагини дарахт шохидан олгиси келди	дарахтга тирмашиб чиққиси келди	0 1
<b>D5.</b>	Бола ўзини қандай ҳис қилди? (бола № 6-расмга қарайди) (ПКС реакция)	яхши / хурсанд / бахтли	ночор / жаҳлдор	0 1
<b>D6.</b>	Бола D5 саволига изоҳсиз жавоб бергандагина D6 саволини қўйинг Агар бола D5 ни изоҳласа, унга D6 устунчасига бир балл қўйиб, D7 саволига кўчинг). Сиз нима сабабдан бола ўзини яхши ҳис	...сабаби у пуфакни кўлида ушлаб турибди	сабаби у бир жойда турибди	0 1

<sup>8</sup> D3 саволини беришда D2 жавобидан боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

	қилади / бахтли деб ўйлайсиз? <sup>9</sup>			
<b>D7.</b>	Ит нима учун колбасаларни халтадан чиқарди? (3 эпизод: Мақсад)	колбасаларни егиси келди	халтани ўйнагиси келди	0 1
<b>D8.</b>	Болакай итни кўриб қолди деб тасаввур қилиб кўрингчи. (а) Болакай ўзини қандай ҳис қилди? (бола №6 расмга қарайди)	ночор / у жаҳлдор	яхши/ хурсанд / бахтли	0 1
<b>D9.</b>	(Бола D8 саволига изоҳсиз жавоб берсагина, D9 саволини қўйинг. Агар бола D8 да изоҳ берса, унга D9 устунчасига бир балл қўйиб, D10 саволига кўчинг). Сизнингча, болакай нима учун ўзини ёмон ҳис қилди / жаҳлдор? <sup>10</sup>	...сабаби унинг колбасаларини ит олиб қўйди / еяпти	...сабаби у чарчади / сабаби дўкон олисда	0 1
<b>D10.</b>	Шу бола билан ит дўст бўла оладими? Нима учун?	Йўқ (бола, камида, бир сабабини айтиши лозим. Ёки саволга тўлиқ жавоб бериши керак	Ҳа/ мен билмайман / саволга тушунарсиз жавоб	0 1
<b>D11.</b>	<b>Умумий балл: 10</b>			

<sup>9</sup> D6 саволини беришда D5 жавобида боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

<sup>10</sup> D9 саволини беришда D8 жавобида боланинг айткан сузлари / ибораларидан фойдаланинг.

## «Палапомлар» ҳикояси учун қарор

Ҳикоя қилиш / Қайта ҳикоя қилиш / ҳикоя намунаси

Боланинг исми: \_\_\_\_\_

Туғилган куни: \_\_\_\_\_

Тест ўтказиш куни: \_\_\_\_\_

Синов кунидаги ёши: \_\_\_\_\_

Жинси: \_\_\_\_\_

Тажриба ўтказувчининг исми: \_\_\_\_\_

Иккинчи тилда мулоқот муддати (ой ҳисобида): \_\_\_\_\_

Мактабгача билим масканига келган куни: \_\_\_\_\_

Мактабгача билим масканининг номи: \_\_\_\_\_

Барча материалларни олдиндан тайёрлаб қўйинг. Диктофон ва расмлар солинган конвертларнинг тест олишдан олдин стол устига қўйилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Тажрибанинг ташкилий қисмидан бошлаб диктофонга ёзиб бориш.

### Тетиклаштириш дақиқаси – ташкилий қисм

Бола билан мулоқот ўрнатиш мақсадида у билан турли мавзуларда суҳбатлашинг. М: Сизнинг энг яқин дўстингиз ким? Сиз ойнаижаҳондан нималарни томоша қилишни ёқтирасиз? Сиз ҳикоя айтишни ёқтирасизми? Турли мавзудаги ҳикояларни тинглашни ёқтирасизми?

### Кўрсатмалар

#### Ҳикоя қилиш жараёни учун кўрсатмалар

Бола билан юзма-юз ўтиринг. Болага: *«Қаранг, бу ерда 3 та конверт бор. Ҳар бир конвертда қизиқ воқеалар тасвирланган ҳикоя бор. Ўзингиз ёқтирган бирини танланг, сўнг мен сизга бир қизиқ воқеа айтиб бераман»,* – деб айтиш. Бола конвертни танлагач, конверт ичидаги воқеа тасвирланган расмни олинг ва уларни болага қаратиб қўйинг, расмнинг тўлиқ тасвири **болагагина** кўринадиган бўлсин. Кейин болага: *«Расмларни диққат билан кўриб чиқингизми? Тайёрмисиз?»*, – дейишингиз мумкин. Расмларни болага қаратиб қўйинг, унда дастлабки икки расм болага аниқ кўриниб турсин. Унга: *«Энди сизнинг менга бир ҳикоя айтиб беришингизни хоҳлайман. Шу расмга қараб, менга хаёлингизга келган энг яхши воқеа (ҳикоя) ни айтиб берсангиз»,* – деб айтиш. Агар бола ҳикоя айтгиси келмаса, унга: *«Менга расмдаги воқеа тўғрисида айтиб бера қолинг (расмни кўрсатиб)»,* – деб кўмаклашинг.

